

## **“Ўзтрансгаз” АЖ акциядорларига!**

### **Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш**

“Ўзтрансгаз” АЖ акциядорлик жамияти, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31а уйда жойлашган, телефон рақами: (71) 202-10-08, электрон почта манзиллари: [info@utg.uz](mailto:info@utg.uz), [korporativ@utg.uz](mailto:korporativ@utg.uz), “Ўзтрансгаз” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2022 йил 8 июнь соат 15:00 да, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31а уйда жойлашган “Ўзтрансгаз” АЖ биносининг катта залида бўлиб ўтиши ҳақида хабар қилади.

#### **Кун тартиби:**

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши иш тартибини тасдиқлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ–168-сон Қарорининг 2-иловасига киритилган “Ўзтрансгаз” АЖ ва унинг таркибий корхоналарига тегишли 7 та объектларни Жамият устав фондидаги давлат улушини камайтириш эвазига Давлат активларини бошқариш агентлигига бериш.

3. “Ўзтрансгаз” АЖ молиявий хўжалик фаолиятини 2021 йил якуни бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш ва у билан шартнома тузиш тўғрисида.

4. “Ўзтрансгаз” АЖ ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АЖ ўртасида тузиладиган йирик битимни тасдиқлаш.

5. ““Ўзтрансгаз” АЖнинг “Уй-жой” фонди маблағлари ҳисобидан қуриладиган ёки сотиб олинadиган уй-жойларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги Низомни бекор қилиш.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар бериш учун акциядорларнинг реестрини шакллантирадиган сана - 2022 йил 10 май.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи учун акциядорлар реестрини шакллантирадиган сана - 2022 йил 2 июнь.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қатнашчиларини рўйхатга олиш 2022 йил 8 июнь соат 14:30 дан 14:55 гача ўтказилади. Акциядорлардан улар билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва акциядорларнинг вакилларидан ишончнома талаб қилинади.

Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш жараёнида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилadиган маълумотлар (материаллар) билан “Ўзтрансгаз” АЖ (Юсуф Хос Ҳожиб, 31а уй) биносида танишишлари мумкин.

***“Ўзтрансгаз” АЖ Кузатув кенгаши***